

# **Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун**

**№ 93 - сонли шартнома**

Бухоро шаҳри

16 ноябрь 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «DIAMOND NETWORK» Х/К кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар С.Хамдамов иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича шартнома туздилар:

## **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 14 ноябрдаги № 56316-сонли электрон баённомасига кўра **«Жондор туман Зарафшон маҳалла фуқаролар йигини маъмурий биносини қуриш»** обьекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёлларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 2 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## **2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

### **2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

### **2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вактида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (боскичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараённада муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

## **3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Қўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган кўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вакти ҳисобланади.

#### **4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.**

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси кўшимча қиймат солиги билан – **18 700 000** (Ўн саккиз миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Колган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи хужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиласиз.

4.3. Ишлар қиймати узел-кесил ҳисобланади ва кейинчалик кайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармагандан мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета хужжатларидаги камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга хақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда

амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳукукига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокоралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмат инжиниеринг компанияси»

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5  
тел. 223-63-23, 223-63-26

X/r : 301821860064017013990199012  
ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100

Бухоро вилоят Фазначилик бошқармаси  
X/r: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919

Компания раҳбари Ф.Б.Жаллиев  
(мухр, имзо)

Р. Хайитов

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«DIAMOND NETWORK» X/K

Манзил: Бухоро туман  
Истиклол ҚФЙ  
Тел.99-899-700-90-90  
Х/с 2020 8000 9007 1007 2001  
Банк номи: Ипотека банк  
Бухоро вилояти филиали  
МФО 00088 ИНН 304 508 390  
ОКОНХ

Директор С. Хамдамов  
(мухр, имзо)

Хуқуқшунос: \_\_\_\_\_